

Суҳбат: Исломда йўл ҳаракати қоидаси борми?



10:26 / 16.11.2021 1969

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси нашри «DIALOG» лойиҳаси кўрсатувида «Йўл ҳаракати фикҳи» китоби муаллифи «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом ноиби, islom.uz портали раҳбари Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид билан суҳбат қурди.

Унда суҳбатдошнинг «Йўл ҳаракати фикҳи» китобининг ёзилиш сабаби, Марказий Осиё минтақасидаги тартиб интизом ва ғарб мамлакатларидаги йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиши ва уларнинг таҳлили, баъзи мусулмон давлатларда ушбу қоидаларга риоя қилиш савияси паслиги, аждодларимизнинг одоб-ахлоқ борасида бутун дунёга намуна бўлганлари, илм-маданият нурини таратганлари, бетартиб бўлган халқдан буюк зотлар чиқмаслиги, бироқ авваллари биз мусулмонларда мавзуга доир асослар бўлгану, шу асосларни тикласа бўлармикин каби муҳим маълумотлар берилган.

Хусусан, бугунги кунда кўп мунозараларга сабаб бўлаётган, барчамизни кўнглимизни хира қилаётган мавзу — йўл ҳаракати қоидабузарларининг кўпайиб бораётгани, шу ўринда ота-онанинг фарзандига чиройли хулқ билан ўрناк бўлиши, йўл маданиятига оид масалаларда суҳбатдош ўз муносабатини билдириб ўтган.

Жумладан, ҳайдовчиларнинг сабрсиз ҳолатда сигнал чалиши ёки бақриш ҳолати юртимизнинг чекка ҳудудларида кўп учраши, Қуръон ва ҳадисда бақриш мумкин эмаслиги, баланд овозда гапириш Қуръонда эшшакнинг ҳанграшига ўхшатилгани, инсонларга озор бериш яхши эмаслиги, ёшларнинг шаклланиш жараёни ушбу суҳбатдан ўрин олган.

Барча азизларимизга ушбу суҳбатни кўришни тавсия қиламиз.

- <https://youtube.com/watch?v=XwnrbpGvu9g&t=4s>